

**ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИДАН
ОБИДЖОН МАҲМУДОВ ФАОЛИЯТИ
МАҲАЛЛИЙ ВА ЧЕТ ОЛИМЛАРИ
НИГОҲИДА**

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТУРКЕСТАНСКОГО
ДЖАДИДА ОБИДЖОНА МАХМУДОВА
В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ МЕСТНЫХ И
ЗАРУБЕЖНЫХ УЧЕНЫХ**

**OBIDJON MAHMUDOV`S ACTIVITY IS
IN THE SPOTLIGHT OF LOCAL AND
FOREIGN SCHOLARS**

Nodirbek KOMILOV,
*FERGHANA BRANCH OF TASHKENT MEDICAL
ACADEMY, a vice dean of the medical prophylaxis faculty.
n_komilov@inbox.ru,
2A Yangi Turon, Ferghana, Uzbekistan*

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/6

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз тарихида юксак ўринга эга бўлган йирик аллома Обиджон Маҳмудов, унинг жамият ривожига ўрни ва у томонидан илгари сурилган қарашлар, ғоялар акс эттирилган. Шу сабабли ҳам, уларнинг ҳаёт йўллари, асарлари ва ғояларини ўрганиш – бугунги кун тарихчиси учун ғоят муҳим аҳамият касб этиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, олим томонидан ватанимиз, халқимиз таракқиёти учун жуда катта ислохотлар амалга оширилганлиги, бунга шонли тарихимиз гувоҳ эканлиги тасвирланиши баробарида олимнинг Қўқон жадидларининг сиёсий етакчиси ҳамда йирик ношир сифатидаги фаолиятининг янги қирралари, йирик тадбиркор ва сиёсий арбоб сифатидаги тарихимизда учрамайдиган фаолияти ҳамда қарашлари маҳаллий ва чет эл олимлари асарлари ҳамда даврий нашрлари асосида ёритилган.

Шунингдек, мақолада олимнинг ношир сифатидаги фаолияти Туркистон ва Қўқонда газета ҳамда журналлар сонининг ошишига олиб келганлиги аниқ далиллар билан исботлаб берилган, унинг Туркистон мухториятида вазири ҳамда Қўқон шаҳар думасида депутат сифатидаги фаолияти амалий жиҳатдан ёритилган. Энг муҳими, унинг ҳаракатлари туфайли Қўқон шаҳар савдо-саноат биржаси ташкил этилганлиги кўрсатиб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Обиджон Маҳмудовнинг ҳаёт йўли ва миллий таракқийпарварлик ҳаракати таракқиётга қўшган ҳиссасига доир маълумотлар ва илмий хулосалардан ушбу йўналишга онд илмий тадқиқотлар олиб боришда олий ўқув юртлар, умумтаълим ва ўрта-махсус таълим тизими учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, тегишли давлат музейлари учун экспонатлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Қолаверса, мақоланинг илмий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти жиҳатдан долзарб бўлиши билан биргаликда, ватанимиз тарихи билан қизиқадиган тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун муҳим манба бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: *жадид, тараққиёт, Туркистон мухторияти, нашриёт, тадқиқот, подшо Россияси, маърифатпарварлик, иқтисодий мустақиллик, Конибодом, ёш бухороликлар, биржа жамияти.*

Аннотация: Данная статья посвящена жизни и творчеству видного ученого Обиджона Махмудова, его роли в истории нашей страны и вкладу, который он внес в развитие общественного самосознания, а также его воззрениям и идеям. В связи с этим изучение его жизни, творчества и идей должно представлять несомненный интерес для современных историков.

Кроме того, в статье на основе трудов и периодических изданий местных и зарубежных ученых приведены сведения о масштабных реформах ученого, осуществленных в целях процветания нашей страны и народа, а также освещены малоизвестные стороны его деятельности в качестве политического лидера кокандских джадидов, известного издателя, бизнесмена и политика. на основе трудов отечественных и зарубежных ученых и периодических изданий В статье приведены факты того, что издательская деятельность ученого привела к увеличению количества газет и журналов в Туркестане и Коканде и того, что его усилиями была налажена работа Кокандской городской биржи.

Материалы, представленные в статье на основе архивных данных, дают аутентичную и оригинальную информацию для тех, кто интересуется жизнью и творчеством Обиджона Махмудова. Особого внимания заслуживает факт того, что Обиджон Махмудов считал, что единственным выходом из политической зависимости и условием повышения уровня жизни людей является достижение экономической мощи страны. Для достижения этой цели он и работал над созданием биржевого общества, чтобы каждый житель Туркестана мог участвовать в банковском и финансовом капитале.

Материалы и научные выводы предлагаемой нами статьи о жизни Обиджона Махмудова и его вкладе в развитие национального просветительского движения можно использовать для проведения отдельных исследований по данной теме, а также для создания учебников, учебных пособий для учебных заведений высшего, среднего и специального образования. Кроме того, статья может быть использована в качестве важного источника для исследователей и ученых, интересующихся историей нашей страны.

Ключевые слова: *джадид, развитие, Туркестанская автономия, издательство, царская Россия, просвещение, экономическая независимость, Канибадам, молодые бухарцы, биржевое общество,*

Abstract: This article is devoted to the life and work of the prominent scientist Obidzhon Makhmudov, his role in the history of our country and the contribution he made to the development of public consciousness, as well as his views and ideas. In this regard, the study of his life, work, and ideas should be of undoubted interest for modern historians.

Also, the article, based on the works and periodicals of local and foreign scientists, provides information about the large-scale reforms of the scientist carried out for the prosperity of our country and people and also highlights the little-known aspects of his activities as a political leader of the Kokand Jadids, a well-known publisher, businessman and politician. based on the works of domestic and foreign scientists and periodicals

The article provides facts that the publishing activity of the scientist led to an increase in the number of newspapers and magazines in Turkestan and Kokand and the fact that through his efforts the work of the Kokand city exchange was established.

The materials presented in the article, based on archival data, provide authentic and original information for those who are interested in the life and work of Obidzhon Makhmudov. Particularly noteworthy is the fact that Obidzhon Makhmudov believed that the only way out of political dependence and a condition for improving people's living standards was to achieve the country's economic power. To achieve this goal, he worked on the creation of an exchange society so that every resident of Turkestan could participate in banking and financial capital.

The materials and scientific conclusions of our article on the life of Obidzhon Makhmudov and his contribution to the development of the national educational movement can be used to conduct individual studies on this topic, as well as to create textbooks, teaching aids for educational institutions of higher, secondary and special education. Also, the article can be used as an important source for researchers and scientists interested in the history of our country.

Keywords: *jadid, advancement, Turkestan autonomy, publishing office, research, tsarist Russia, enlightenment, economic independence, Kanibadam, young Bukharians, the society of stock.*

КИРИШ

Бугун Ўзбекистон тарихи ҳар томонлама холис ва илмий ёритилаётган бир вақтда ўзбек давлатчилиги тарихи, тарихий шахслар, ва уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиёти жараёнларида тутган ўрнини ёритишга катта эътибор берилмоқда. Чунки ҳар бир халқнинг ўзлигини кўрсатадиган ягона куч – бу тарихдир. Зеро, биз халқни номи билан эмас, балки маданияти орқали биламиз, тарихнинг тағтомиригача назар ташлаймиз. Негаки, ҳаққоний тарих далилларга ҳаёт қонини қуювчи, тилларга сўз бахш этувчи, кунпаякун салтанатларни қайта яратувчи, ўтиб кетган асрлар силсиласини бутун ҳаяжонлари, эгалари билан кўз ўнгимизда намоён этиб, ҳаётимиз сарҳадларини кенгайтирувчи мўжизадир.

Маълумки, тоталитар тузум ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида ўзбек халқининг маънавий мероси ва қадриятлари, ҳаққоний тарихини ўрганишга, ўзбек давлатчилиги тараққиётига муҳим

ҳисса қўшган зиёли ва тарихчиларимиз фаолияти ҳамда ижодини ёритиш, оммалаштиришга йўл берилмаган эди. Бугун ушбу муҳим мавзунини нафақат батафсил тадқиқ қилиш, балки бу масалаларни маҳаллий тарихчилар томонидан битилган энг бирламчи манбалар асосида ўрганилиши учун катта имкониятлар юзага келди. Шу маънода, Қўқон жадидларининг етакчиси, йирик маърифатпарвар, ношир ҳамда геолог олим бўлмиш Маҳмудов Обиджон Абдуҳолик ўғли ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, олим томонидан амалга оширилган ишларни келажак авлодга етказиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Умуман олганда, Туркистон халқларининг феодал қолоқлигига, жаҳолатдан қутулишига сабаб бўлган асосий омил – бу миллий тараққийпарварлик ҳаракати бўлмиш – жадидчилик бўлиб, бунинг учун жамиятдаги мавжуд тузумни тубдан ислоҳ қилиш лозим бўлган ва ушбу мақсадни амалга оширувчилар қотиб қолган, яъни «қадим» (эски) ларга қарши турувчи «жадид» (янги) лар сифатида майдонга келган (Brejnova S.N., 2008:50). Шу боис жадидлар Мисрда ҳам, Туркияда ҳам, Татаристон ҳамда Туркистонда ҳам сиёсий оқим сифатида пайдо бўлди. Тўғри, уларнинг шаклланганлик, тараққий топганлик даражаси бир хил эмасди. Россия томонидан босиб олинган ўлкаларда ҳам XIX аср охирига келиб миллий озодлик ҳаракатлари охири-оқибатда жадидларни тарих саҳнасига чиқарди. Миллий истибодот занжирига тушган халқ ва элатлар қудратли империя чангалидан фақат бирлашиб ҳаракат қилгандагина қутулишлари мумкин эди. Бунинг учун, энг аввало, миллий онгни уйғотиш, миллатнинг ўзлигини англаб етишувига эришиш лозим эди.

Жадидларнинг қўпчилиги талаба ёшлар бўлгани учун улар Шарқ ва Ғарб маданияти ютуқларини эгаллашга интилдилар, ўқидилар ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этдилар. Улар хорижга чиқиб, турли мамлакатлардаги маданият ва таълим тараққиёти даражасини кўра олдилар, уларни солиштирдилар ва уларда жаҳон тараққиёти ютуқларини Туркистонга келтириш истаги пайдо бўлди. Натижада жадидларнинг диққат марказига биринчи босқичда таълимни ислоҳ этиш вазифаси қўйилди. Улар бундай ислохотларни ўтказиш заруратини нафақат назарий жиҳатдан исботлаб бердилар, балки янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, ўқув заллари очиб, дарсликлар ёзиб, ўз ғояларини амалга оширишга катта куч сарфладилар (A'zamxo'jayev S., 2000:6).

Миллий тараққийпарварларнинг энг йирик вакиллари Туркистонда – Маҳмудхўжа Бехбудий,

Убайдулла Асадуллахўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Хожи Муин, Абдуқодир Шакурый, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий, Эшонхўжа Хонхўжаев, Исҳоқхон тўра Иброт; Бухорода - Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Мусо Саиджонов, Абдулвоҳид Бурхонов, Усмон Хўжаев, Миркомил Бурхонов, Муҳитдин Мансуров, Муҳтор Саиджонов; Хивада - Бобоохун Салимов, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Аваз Ўтар, Хусайн Матмуродов, Назар Шоликоров, Отажон Абдалов, Худойберган Девоннов ва бошқалар эдилар (Alimova D., 2009:11).

ТАҲЛИЛ

Қўқонлик жадид Обиджон Маҳмудов ҳам ана шундай ватанпарвар, ҳалол ва олим инсон эди. Унинг ғояларида ўша даврда жамиятни ташвишга солаётган – диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини тўғри тушуниш, бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш, шунингдек ноширлик фаолиятини ривожлантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун муҳим шартлар бўлиб, ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаассибликдан тозалаш, фан ютуқлари ва илғор технологияни эгаллаш муаммоларини ҳал этиш лозим эди. Бироқ бу ғоялар, Маҳмудов ва бошқа жадидлар исломнинг бутун таълимотини қайта ёзишга интиланлар, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Сабаби у ва бошқа жадидлар ўз фаолиятларида Қуръонни ҳам, ва умуман, бутун ислом таълимотини ҳам тўғри изоҳлаб беришга интиланлар. Хусусан, Обиджон ўзининг мақолаларида айрим руҳонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом моҳиятини бузиб кўрсатганликларини танқид қилади ва диндан фойдаланилган сиёсий тадбирлар қанчалар оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб беради. Қолаверса, у исломнинг тараққийпарвар ролини тушунтириш билан бирга таълим, иқтисод, маданият ва умуман жамият ҳаётини барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруратини тушунтиришга интилган. Унинг фикрлари ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмаган ва Ғарбнинг технология ҳамда ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан Шарққа нисбатан анча илгарилаб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда Ғарб цивилизацияси томон интилган. Шунингдек, унинг ғояларида асосий эътибор бутун ижтимоий тизимни ўзгартириш, маънавият соҳасини янгилашга қаратилган. Хусусан, янги усулдаги мактабларни ташкил этиш (Khalid A.,

1999:157), газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш, иқтисодий мустақиллик, Европа маданияти ютуқларидан фойдаланишни тарғиб этиш орқали миллий дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш, миллий ўзликни англашни юксалтириш лозимлигини уқтиради.

Агар Обиджон Маҳмудов сиёсий карьерасининг дастлабки даврдаги фаолиятига конкрет – тарихий нуқтаи назардан қаралса, жадидларнинг бутун мафкураси асосларини ташкил этган бир неча муҳим қоидаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, у барча жадидлар каби халқни маърифатли қилмасдан, кенг оммани жаҳон маданияти ютуқларига ошно қилмасдан туриб, Туркистоннинг тараққий этолмаслигини тушуниб етган.

Иккинчидан, у халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун мустамлака – феодал зулми ва оғир мажбуриятлардан халос бўлиш, маънавий эркинликка эришиш зарур, дея тўғри фикр юритди. Шу жумладан, Маҳмудовнинг кўплаб чиқишларида матбуотда Подшо ҳокимиятининг қонунсизлик ва порахўрлик жиҳатлари, банклар фаолиятининг салбий жиҳатлари, шунингдек ҳаддан зиёд оғир солиқлар каби зулмкорлиги кўринишлари аямай танқид қилинган бўлса, кейинги даврда прагматик ҳаракатлари билан ташаббус кўрсатди (Gafarov N.U., 2013:148).

Умуман олганда, Обиджон Маҳмудов Туркистон жадидларининг йирик вакили, “Садойи Фарғона” ва “Тирик сўз” газеталарининг бош муҳаррири ҳамда Туркистон Мухториятида озиқ-овқат вазири лавозимларида фаолият олиб борган серқирра шахс эди. Йирик маърифатпарвар Мустафо Чўқай унинг йирик ислохотчи эканлигини ўз эсдаликларида қуйидагича эслайди: “Обиджон нафақат оратор, балки ўз ишининг устаси ва тезкор қарор қабул қилиши билан ўз касбдошлари орасида шуҳрат қозонган (Cho‘qay M., 2017: 321). Қўқон шаҳар Думасининг раиси, социал-революционер Гурвич эса Обиджон Маҳмудовни “максади йўлида қайтмайдиган, қайсар ва баҳс-мунозарада тенги йўқ инсон”, деб баҳолаб, Обиджон Маҳмудов ҳар қандай янги ўзгаришлар Қўқоннинг эски қисмидан бошланиши кераклиги ва у ердаги кўчаларда ҳам ёритгичлар ўрнатилиши лозимлигига уни ишонтира олган инсон эканлигини таъкидлайди.

Унинг характеридаги қатъийлик, ор-номуснинг юксаклиги, ватан тараққиёти йўлида толмасдан хизмат қилиш каби хислатлари тарихимизда абадий қолишга етарли асос бўлади.

Обиджон Маҳмудов – Ўзбекистон тарихида биринчи тоғ-кон инженерларидан бири бўлиш билан

биргаликда, ушбу соҳани ривожланишига ҳисса қўшган шахс эди. Манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, олим Санкт-Петербург тоғ-кон институтини 1897-1901 йилларда битирган (Alimova D, Bagirova I., 2013:143). 1923 йил 28- июлдаги Фарғона вилоят революцион комитети бошқарув аппаратининг №5843 сонли қарорида Обиджон Маҳмудов Москвада бўладиган Бутунроссия қишлоқ хўжалиги кўргазмасига бориши ва барча экспонатлардан фойдаланиши учун гувоҳнома берилган (O`ZR MDA, 17-fond, 1-ro`uxat, 317-ish, 167–varoq).

О. Маҳмудов Туркистон Мухторияти тугатилганидан сўнг, Фарғона вилояти ишчи-деҳқон, солдат депутатлари Совети томонидан очарчилик туфайли 1917-йил октябрь ойида Кавказга юборилган. Лекин Ашхободдан Туркистонга ўтадиган темир йўл берклиги учун, ушбу муаммони ҳал қилишда ХКС қошидаги Туркистон республикасининг раиси Собиржон Юсупов билан бир неча марта Халқ Комиссарлари Совети раиси В.Ленин билан учрашган. Муаммо ҳал бўлгач, кейинчалик у Туркистон Республикасининг МИҚ ташвиқот бўлимига бошлиқ этиб тайинланади (O`ZR MDA, 17-fond, 1-ro`uxat, 317-ish, 183–varoq). Ушбу лавозимда Обиджон Маҳмудов бир неча марта хизмат вазифаси билан Қўқонга келган. Шунингдек, Туркистон Республикаси МИҚининг 1919 йил 5- апрелдаги 1089-сонли гувоҳномаси асосида Астраханга жўнатилган.

1919 йил 1-майдан бошлаб Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича махсус комиссиясида пахта тайёрлаш бўйича мутахассис сифатида иш бошлаган.

О.Маҳмудов ўтган аср бошларида Нижний Новгороддаги савдо ярмаркаларига Туркистонда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қаторида пахтани ҳам олиб боргани учун совет ходими сифатида Пахта бўлимига ишга юборилади. У Пахта бўлимида бир йилга яқин ишлаганидан сўнг, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг Москвадаги Доимий ваколатхонасида Матбуот бўлимини бошқаради. 1920 йил апрелида эса Туркистонга Ташқи алоқалар бўлимининг Фарғона водийси бўйича информатор агенти этиб юборилади. У шу лавозимда хизмат қилар экан, волость ва қишлоқ советларини ташкил қилиш, сув муаммоси бўйича юзага келган жанжалларни бартараф этишда фаоллик кўрсатади.

1920-1922 йилларда Туркистон Автоном Совет Республикасининг матбуот бўлимига бошчилик қилиб, кейинчалик Серго Ордженикидзе бошчилигидаги Шарқ халқлари ҳаракати кенгашида фаолият олиб боради.

Қўқонга қайтиб келгач, 1922-1926 йилларда Шўрсув шаҳарчаси ўрнидаги Мумконсой деган мавзеда нефт ва озекерит конларини очиб ишга туширади ҳамда Туркистон ўлкасининг йирик саноатчилари қаторидан жой олади.

Сиёсий карьерадан ташқари О.Маҳмудовнинг яна бир амалий ҳаракати жамиятда айни пайтда юзага келаётган миллий буржуазия манфаатлари, шаклланаётган товар – бозор муносабатлари шароитларини ўзида акс эттирган ислохотларни олиб боришда яққол кўзга ташланади. Чунки юқоридаги йўналишлар сиёсий қарамликдан чиқишнинг ва халқ аҳволини яхшилашнинг бирдан – бир йўли, авваламбор иқтисодий қудратга эришиш эканлигини англаган эди ва ҳар бир мусулмоннинг банк ҳамда молиявий капитал ишида иштирок этиш имконияти тарафдори бўлган эди. Буни Қўқон биржа жамиятининг ташкил топишида О.Маҳмудов етакчи инноватор бўлганидан билиш мумкин. Унга кўра, жамиятнинг 60 нафардан иборат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан, 1906 йил 15 ноябрда Қўқон шаҳрида йиғилиб, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Покотило Василий Иванович (10.12.1904-28.07.1907) номига Қўқон биржа жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги ариза ва баённомани жўнатишади ҳамда “жаноби олийлари”дан ушбу жамият фаолиятига рухсат беришликни сўрашади. Бу борада жамият аъзолари 1907 йил 2-январ куни ҳам тўпланганликларини, шунингдек, Низомнинг 46-бандига кўра, жамият аъзоларининг 2/3 қисми биржа жамиятини ташкил этиш учун овоз берганини таъкидлашади (O`ZR MDA, 29-fond, 1-ro`yhat, 26684-ish, 23,25–varoqlar). Бундан маълум бўладики, ўтмишда ҳам ҳозирги кунларда ҳам интеллектуал имкониятга эга бўлиш, бозор тузилмаларини татбиқ этиш негизида жадал иқтисодий ўсиш, кенг миқёсда инвестициялар киритиш миллий гуллаб – яшнашнинг муҳим шартидир.

Бу эса айнан Обиджон Абдухолиқ ўғлининг йирик давлат арбоби сифатида халқни ўз ортидан эргаштиришига ва дунё тадқиқотчиларининг унинг ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганишга ундаган асосий омиллар эди. Умуман олганда, О.Маҳмудов ва унинг фаолияти тўғрисида маълумотлар кам, шундай бўлсада маҳаллий ва чет эл олимлари томонидан жадидлар тўғрисида ёзилган бир қанча асарларда у тўғрисида айрим маълумотлар берилган.

НАТИЖАЛАР

XIX аср охири – XX аср бошларида йирик сиёсий ҳаракатга айланган тараққийпарвар жадидлар ҳаракати ва унинг йирик етакчилари,

хусусан О.Маҳмудов ҳақида З.Абдирашидовнинг “Аннотированная библиография туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883–1917)” номли асарида келтирилган. Муаллиф ўз асарида “Таржимон” газетасининг барча сонлари тўғрисида маълумотлар, шунингдек, Туркистонда жадидлар ҳаракатининг юзага келиши, унинг тарихий шарт – шароитлари ҳамда йирик мутафаккирларнинг ҳаёт ва ижод йўлига, айниқса, Обиджон Маҳмудовнинг Қўқондаги фаолиятига тўхталган. Муаллиф О.Маҳмудовнинг Қўқон шаҳар думаси раиси Гурвич билан алоқаларига тўхталиб, рус тилини билганлигини ва бу руслар билан тил топишда, уларни режаларини билишда қўл келганлигини таъкидлайди (Abdirashidov Z., 2011:157).

Инглиз олими Эдвард Олворз “130 years of Russian dominance, a historical overview” номли китобида Марказий Осиёда Подшо россияси ва Совет иттифоқининг 130 йиллик ҳукмронлигини тасвирлаган бўлиб, унда жадидчилик, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар ҳаракатига оид маълумотларга кенг ўрин берилган. Энг муҳими, ушбу китобда Обиджон Маҳмудовнинг Қўқон шаҳар думаси ўринбосари сифатидаги фаолиятига ҳам эътибор қаратилган (Allworth E., 1994:158).

Тимур Кўчаоглунинг “Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900-1924” номли китобида жадидларнинг “Шўройи Исломия” ҳамда “Шўройи Уламо” ташкилотлари ўртасидаги ихтилофлар ва муаммолар Туркистон Мухториятининг тугатилишига олиб келганлигини афсус билан тилга олади. Қолаверса, мухторият тугатилганидан сўнг, унинг раҳнамолари орасида Мустафо Чўқай ва Обиджон Маҳмудовгина тирик қолганлигини таъкидлайди (Kocaoğlu T., 1992:67).

Холид Адибнинг “The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia” номли китобини, том маънода Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, ривожланиши, шунингдек, таълим тизими мукаммал ёритилган асарлардан бири, дейиш мумкин. Сабаби муаллиф ушбу асарда ҳаракатнинг ўзига хос жиҳатлари ва етакчилари тўғрисида кенг фикр билдирган. Айниқса, янгиланган жамиятда матбуотнинг халқ тафаккурига ижобий таъсир этишини “Садойи Фарғона” ва “Садойи Туркистон” газеталари ҳамда уларда берилган мақолалар билан исботлагани диққатга сазовордир. Бу борада муаллиф О.Маҳмудов фаолиятига ҳам тўхталиб ўтган (Khaleed A., 1999: 98-99).

И. Зенушкинанинг “Советская национальная политика и буржуазные историки: становление советского многонационального государства (1917-1922 годы) в современной американской

историографии” номли китобида Туркистон мухториятининг ташкил топиши, унга русларнинг муносабати ҳамда Муваққат ҳукумат таркибида Обиджон Маҳмудовнинг озиқ-овқат вазири сифатидаги фаолиятига алоҳида урғу берилган (Zenushkina U., 1971:285).

Умуман олганда, Туркистон ва Қўқондаги миллий тараққийпарвалик ҳаракатининг аҳамияти ва унда тарихий фигураларнинг ўрни тўғрисида чет эл олимлари ҳам тадиқот олиб борганлар. Хусусан, Адиб Халид “Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note” номли мақоласида Туркистон жадидларининг етакчилари қаторида Обиджон Маҳмудовни санаб ўтади (Khalid A., 1992:113-118).

“Printing, Publishing, and Reform in Tsarist Central Asia” номли мақоласида эса “Садойи Фарғона” газетасининг халқни маърифатли қилиш борасидаги ўрнини кўрсатади (Khalid A., 1994:187).

Фул Бадан “Socio-cultural reform movement in Central Asia» номли мақоласида айнан жадидчилик Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллиги йўлида катта тарихий воқеа бўлганлигини ва бу ҳаракат кейинчалик пост совет давлатларини вужудга келтиришда асосий фундамент бўлганлигини таъкидлайди (Badan P., 2016:10).

Балдауф И. «Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World» номли мақоласида эса жадидлар ҳаракатининг бир жойда тўхтаб, ривожланмай қолган қарашларга қарши янги бир йўналиш сифатида вужудга келганлиги кўрсатилган. Қолаверса, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Обиджон Маҳмудов ва бошқа тараққийпарварларнинг ноширлик фаолиятига тўхтаб ўтилган. Хусусан, О.Маҳмудов подшо россияси томонидан Туркистонда ташкил этилган турли банк ва биржалари мамлакатни иқтисодий жиҳатдан қарам қилаётганлигини таъкидлайди (Baldauf I., 2001: 79).

К.Базарбаев, Х.Турсун ва бошқаларнинг “Jadidism as an educational system and a political movement in Turkestan (Central Asia)” номли мақоласида жадид мактабларининг структураси ва уларнинг ўша даврдаги ўрни тўғрисида фикр билдирилган ва жадидларнинг газета ва журналлари (Садойи Туркистон, Садойи Фарғона, Ойна ва хоказо) тўғрисида ҳам маълумотлар берилган (Bazarbayev K, Tursun H, Sadykova R., 2013:87).

В.Бобровников “Islamic discourse of visual propaganda in the interwar soviet orient (1918–1940)” номли тадиқотда эса совет пропагандасининг аҳамияти ҳамда О.Маҳмудовнинг 1920 йил апрелида Туркистонга Ташқи алоқалар бўлимининг Фарғона водийси бўйича информатор агенти этиб юборилганлиги ва шу лавозимда волост ҳамда

кишлоқ советларини ташкил қилиш, сув муаммоси бўйича юзага келган муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсатгани тўғрисида маълумот берилган (Bobrovnikov V., 2017:58).

Крим жадидлари фаолияти ва уларнинг Марказий Осиё миллий тараққийпарварлари билан алоқалари тўғрисида О. Земцованинг “The first steps of jaded movement among Russian muslims middle Volga region in nineteenth century” номли мақоласида ҳам келтирилган бўлиб, унда Ш.Маржоний, З.Валидий ва хоказоларнинг ғоялари тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, А.Авлоний, А.Фитрат, О.Маҳмудовлар фаолияти тўғрисидаги фикрлар ҳам келтириб ўтилган (Zemtsova O., 2015:93).

Доғистонлик олима М. Османова “Старопечатная книга в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв” номли мақоласида Обиджон Маҳмудов томонидан ташкил этилган “Ферганское эхо” газетаси халқни билимли қилиш нуктаи назаридан маърифат ўчоғи эканлигини айтади (Osmanova M., 2013:10).

А.М.Худойкуловнинг «Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв)» (Xudoyqulov A., 1995:149) , Р. Н. Турсуновнинг «XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий – иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари» номли номзодлик диссертацияларида ҳам миллий тараққийпарварларимиз томонидан олиб борилган диққатга сазовор ишлар таҳлил қилинган (Tursunov R., 2008:86).

С.С. Бороздиннинг “Политика российских властей в отношении мусульманского населения Туркестана и Бухары” номли номзодлик диссертациясида Туркистон генерал – губернаторлиги ҳамда Ленин ҳукуматининг Марказий Осиёдаги сиёсатида тўхталган ҳамда Обиджон Маҳмудовнинг “Садойи Фарғона” газетаси тўғрисида фикр билдирилган (Borozdin S., 2012:183).

Татар олимаси Ф.А. Жестовская ўзининг “Проблемы татарского просветительства в XIX - начале XX веков в историко-политическом измерении” номли номзодлик диссертациясида Исмоил Гаспирали ва Заки Валидийнинг Марказий Осиёдаги ташвиқотларига тўхталиб, Туркистон Мухториятида Обиджон маҳмудовнинг 1917 йилги очарчиликни олдини олишда вазир сифатидаги ўрни бекиёслиги кўрсатган (Jestovskaya F.A., 2004:112).

Маҳаллий олимларимиздан С.Б. Шадманованинг “Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари” номли докторлик диссертациясида эса Обиджон Маҳмудовнинг “Садойи Фарғона” газетасидаги иқтисодий қарашлари келтирилган (Shadmanova S., 2001:139).

Н.Каримов (Karimov N., 2016:73), Т.Котюкова (Kotyukova T., 2000:42), Н.Махкамова (Mahkamova N., 2000:14), Н.Мустафаева (Mustafaeva N., 2000:38), Б.Хасанов (Hasanov B 2000:103) томонидан даврий матбуот нашларида эълон қилинган мақолаларда эса миллий тараққийпарвар О.Махмудовнинг иқтисодий ва маънавий қарашларига қисман тўхталинган.

Д.Алимова, А.Турсунметов, Р.Абдуллаев, Д.Кенжаев, Мустафаева, Р.Турсунов, О.Тўлабоев, Р. Турсунов, О. Султонмуродлар томонидан эълон қилинган мақолаларда ҳам миллий тараққийпарварлар, улар фаолиятининг ижобий томонларига эътибор қаратилиб, жадидларнинг айрим вакиллари бўлмиш М.Бехбудий, Мунаввар Қори, А.Фитратлар ҳақида маълумотлар келтирилгани бўлсада, ҳаракатнинг бошқа вакиллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинмаган.

Йирик олим Р.Шарипов ҳам ўз асарида Туркистонда жадидлар ҳаракатининг айрим жиҳатларига тўхталиб, ушбу ҳаракатнинг ёрқин вакили бўлмиш О.Махмудов фаолиятига тўхталади (Sharipov R., 2002:48). Шунингдек, Обиджон Махмудовнинг миллий – давлатчиликни барпо этиш борасидаги ҳаракатларини С.Агзамходжаевнинг асаридан билиб олиш мумкин.

Р.Шамсутдинов ўзининг “Штрихи к портрету военного министра туркестанской автономии Убайдуллы Ходжаева” номли мақоласида йирик ҳуқуқшунос фаолиятига юксак баҳо берган (Shamsutdinov R., 2017:183).

Р. Шамсутдинов. “Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб” номли мақоласида эса жадидларнинг раҳнамоларидан бири бўлган Мустафо Чўқайнинг 1936 йилда Парижда туриб Обиджон Махмудовнинг ўлими муносабати билан хотиралари келтирилган (Shamsutdinov R., 2018 :21).

Яна бир олим Р.Назаров “Махмудов Абиджан Абдухалик-оглы” номли мақоласида О.Махмудовнинг 1897-1901 йилларда Санкт-Петербургдаги тоғ-кон университетида таҳсил олиб, Россиядаги ўзбеклар орасида биринчи тоғ-кон инженери бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни келтиради (Nazarov R., 2009:12). Унинг “Узбекская диаспора России: история и современность” номли мақоласида ҳам айнан Обиджон Махмудов Россиядаги фаолиятига тўхталиб ўтади. Хусусан, муаллиф О.Махмудовнинг Мумконсой деган мавзеда нефт ва озекерит конларини очиб ишга туширганини ва Қўқонлик бойлардан бири эканлигини таъкидлайди (Nazarov R., 2016:7).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги европалик ҳамда маҳаллий тарихчилар томонидан

Обиджон Махмудов тўғрисида миллийлик ғурури, халқчиллик ва миллатпарастлик мавқеида туриб ёзилган асарлар ўзида ўзбек олими ва жадид намоёнчасини акс эттириши билан диққатга сазовордир.

Туркистонда маърифатпарварликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган шахс сифатида у миллатнинг яшаши, тараққий топиши учун курашган, ноширликни шунчаки хабардор бўлиш учун ўрганиб қўйиш эмас, балки уни ойна, ибрат, тарбия воситаси бўлиши учун ҳаракат қилган тараққийпарвар ва зиёли инсон эди.

Энг муҳими, йирик давлат арбоби ва геолог олим Обиджон Абдухалик ўғли Махмудов фаолиятини ўрганиш ҳамда кенг жамоатчилик учун етказиш – ўсиб келаётган ёш авлодни ўз тарихига бўлган қизиқишини янада ортишига сабаб бўладиган муҳим омил ҳисобланиши баробарида мамлакатимиз тараққиётига ҳам сабаб бўлади. Зеро, тарихий хотирасиз – келажак йўқ.

АДАБИЁТЛАР

1. ЎзР МДА, 29-фонд, 1-рўйхат, 26684-иш, -Б.23-25
2. ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 317-иш, -Б.167.
3. ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 317-иш, -Б.183.
4. Аъзамхўжаев С. (2000) Туркистон мухторияти. Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Т, «Маънавият». - Б.6.
5. Мустафа Шоқай. (2017) Шиғармаларининг толиқ жинағи. V том. Алмати. Дайк-Пресс. –Б.321.
6. Алимова Д. (2009) История как история, история как Наука. Т II. Феномен джадидизма.-Т.:”Узбекистан”. - Б. 180.
7. Dilorom Alimova, Irada Bagirova. (2013) The history of public and cultural reformation in the Caucasus and Central Asia (19th - early 20th century). –Samarkand, –B. 143-148.
8. Абдирашидов З. (2011) Аннотированная библиография туркестанских материалов в Газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио, «Университет Токио», – С. 157-163.
9. Edward Allworth. (1994) 130 years of Russian dominance. A historical overview. –London.: «Duke university press», –B. 165.
10. Timur Kocaoğlu. (1992) Türkistan’da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900-1924. – Budapesht, «Turkuaz dizisi», –B. 230.
11. Khaleed A. (1999) The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – New York, «University of California press», –B.97-102.
12. Зенушкина И. (1971) Советская национальная политика и буржуазные историки: становление советского многонационального государства (1917-1922 годы) в современной американской историографии. – Москва, Мысль, – С. 285.

13. Khalid A. (1992) Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note// Central Asian survey, №11. –Б. 113-118.
14. Khalid A. (1994) Printing, Publishing, and Reform in Tsarist Central Asia // International Journal of Middle East Studies, № 2. -Б.187-200.
15. Phool Badan. (2016) Socio-cultural reform movement in Central Asia// The Journal of Central Asian Studies, № 1.–Б.10-17.
16. Baldauf I. (2001) Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World// Die Welt des Islams New Series, Vol. 41, –Б.72-88.
17. Bazarbayev K, Tursun H, Sadykova R. (2013) Jadidism as an educational system and a political movement in Turkestan (Central Asia) // International education studies, № 1. –Б. 85-94.
18. Bobrovnikov V. (2017) Islamic discourse of visual propaganda in the interwar soviet orient (1918-1940) // Islamology, № 2. –Б.54-73.
19. Zemtsova O. (2015) The first steps of jaded movement among Russian muslims middle Volga region in nineteenth century// Zapad-Vostok, №8. –Б.90-96
20. Османова М. (2013) Старопечатная книга в Средней Азии в конце XIX – начале XX в // Вестник института истории, археологии и этнографии Дагестана. № 2. –Б. 10-19.
21. Худойкулов А.М. (1995) Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Дисс... канд.ист.наук. – Тошкент, – С.180
22. Турсунов Р. (2008) Национальный прогресс в социально – экономических процессах в Туркестане в начале XX века. Дисс... канд.ист.наук. – Тошкент, – С.176.
23. Бороздин С.С. (2012) Политика российских властей в отношении мусульманского населения Туркестана и Бухари. дисс... на ученой степ. кандидат исторических наук. –Екатеринбург, –С. 183.
24. Джестовская Ф.А. (2004) Проблема татарского просветительства в XIX - начале XX веков в историко-политическом измерении. дисс... канд.ист.наук. – Казань, – С.112.
25. Шадманова С. Б. (2011) Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари: тарих фанлари доктори ... дисс – Тошкент, –С.224.
26. Каримов Н. (2016) Фарғона жадидларининг сарвари//Водийнома, №1. –Б.70-74.
27. Котюкова Т. (2000) Выборы во вторую государственную думу и деятельность Туркестанских депутатов (1906 – 1907 гг.) // Ўзбекистон тарихи, №3. – Б.40 – 43.
28. Махкамова Н. (2000) К вопросу об уровне просвещенности и культурного развития среднеазиатских государств в XX – начало XX века // Ўзбекистон тарихи, №1 – 2. – Б.13 – 17.
29. Алимова Д. (2005) Религиозная толерантность и гуманистические идеи национально-прогрессивной интеллигенции Туркестана // Ўзбекистон тарихи. №3. – Б.12-19.
30. Турсунметов А. (2010) Англо-Американские исследователи о мусульманском реформаторском движении в Центральной Азии в конце XIX-начале XX века // Ўзбекистон тарихи, № 4. – Б.81-85.
31. Абдуллаев Р. (2010) Туркистон жадидлари ва XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги мафкуравий жараёнлар // Ўзбекистон тарихи, № 2. -Б.36-43.
32. Мустафаева Н. (2000) Туркистонда миллий маориф тарихининг ўқилмаган саҳифалари // Ўзбекистон тарихи, №1. – Б. 37 – 41
33. Ҳасанов Б. (2000) Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20 – 30 годы и их последствия // Ўзбекистон тарихи, №1 – 2. – Б.101 – 109.
34. Шарипов Р. (2002) Туркистон жадидчилиқ ҳаракати тарихидан. Т, «Ўқитувчи», –Б. 48.
35. Аъзамхўжаев С. (2000) Туркистон мухторияти. Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Т, «Маънавият», –Б.170.
36. Шамсутдинов Р. (2017) Туркистон Мухторияти ҳарбий Вазири Убайдулла Хўжаевнинг портретиға чизгилар // Водийнома, – Б. 28-33.
37. Шамсутдинов Р. (2018) Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб // Водийнома, –Б.19-22;
38. Назаров Р. (2009) Махмудов Абиджан Абдухолик огли // Ислам в Санкт-Петербурге. – Новгород, – С. 12-16
39. Назаров Р. (2016) Узбекская диаспора России: история и современность// Единство, №2. –С.7-13
40. Исломов З. (2020) Махмудхўжа Бехбудий миллий мустақиллик бунёдкори. Ислом тафаккури, 2020 йил №3. Б. 6-11.

REFERENCES:

1. O'zR MDA, 29-fond, 1-ro'yhat, 26684-ish, -B.23-25.
2. O'zR MDA, 17-fond, 1-ro'yhat, 317-ish, -B.167.
3. O'zR MDA, 17-fond, 1-ro'yhat, 317-ish, -B.183.
4. A'zamxo'jaev S. (2000) Turkiston muxtoriyati. Milliy-demokratik davlatchilik qurilishi tajribasi. –T, «Ma'naviyat». – B.6.
5. Mustafa Shoqay. (2017) Shig'armalarinin toliq jinag'i. V tom. Almati. Dayk-Press. –B.321.
6. Alimova D. (2009) Istoriya kak istoriya, istoriya kak Nauka. T II. Fenomen djadidizma.-T.:»Uzbekistan». – B. 180. (In Russ.).
7. Dilorom Alimova, Irada Bagirova. (2013) The history of public and cultural reformation in the Caucasus and Central Asia (19th - early 20th century). –Samarkand, –B. 143-148.
8. Abdirashidov Z. (2011) Annotirovannaya bibliografiya turkestanskix materialov v Gazete "Tarjuman" (1883-1917). – Tokio, "Universitet Tokio", – S. 157-163. (In Russ.).
9. Edward Allworth. (1994) 130 years of Russian dominance. A historical overview. –London.: "Duke university press", –B. 165.

10. Timur Kocaoglu. (1992) Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900-1924. – Budapesht, “Turkuaz dizisi”, –B. 230.
11. Khaleed A. (1999) The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – New York, “University of California press”, –B.97-102.
12. Zenushkina I. (1971) Sovetskaya Nasionalnaya politika i burjuaznie istoriki: Stanovlenie Sovetskogo mnogonacionalnogo gosudarstva (1917-1922 godi) v sovremennoy amerikanskoy istoriografii. – Moskva, Misl, – S. 285. (In Russ.).
13. Khalid A. (1992) Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note// Central Asian survey, №11. –B. 113-118.
14. Khalid A. (1994) Printing, Publishing, and Reform in Tsarist Central Asia // International Journal of Middle East Studies, № 2. –B.187-200.
15. Phool Badan. (2016) Socio-cultural reform movement in Central Asia// The Journal of Central Asian Studies, № 1. –B.10-17.
16. Baldauf I. (2001) Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World// Die Welt des Islams New Series, Vol. 41, –B.72-88.
17. Bazarbayev K, Tursun H, Sadykova R. (2013) Jadidism as an educational system and a political movement in Turkestan (Central Asia) // International education studies, № 1. –B. 85-94.
18. Bobrovnikov V. (2017) Islamic discourse of visual propaganda in the interwar soviet orient (1918-1940) // Islamology, № 2. –B.54-73.
19. Zemtsova O. (2015) The first steps of jaded movement among Russian muslims middle Volga region in nineteenth century// Zapad-Vostok, №8. –B.90-96
20. Osmanova M. (2013) Staropechatnaya kniga v Sredney Azii v kontse xix – nachale XX v // Vestnik instituta istorii, arxeologii i etnografii Dagestana. № 2. –B. 10-19. (In Russ.).
21. Xudoykulov A.M. (1995) Prosветitelskaya deyatelnost djadidov Turkestana (kones XIX – nachalo XX vv.). Diss... kand.ist.nauk. – Toshkent, – S.180 (In Russ.).
22. Tursunov R. (2008) Nasionalniy progress v Sosialno – ekonomicheskix prosessax v Turkestane v nachale XX veka. Diss... kand.ist.nauk. – Toshkent, – S.176. (In Russ.).
23. Borozdin S.S. (2012) politika rossiyskix vlastey v otnoshenii musulmanskogo naseleniya Turkestana i Buxari. diss... na uchenoy Step. kandidat istoricheskix nauk. -Ekaterinburg, –S. 183. (In Russ.).
24. Djestovskaya F.A. (2004) problema Tatarskogo prosветitelstva v XIX - nachale XX vekov v Istoriko-politicheskom izmerenii. diss... kand.ist.nauk. – Kazan, – S.112. (In Russ.).
25. Shadmanova S. B. (2011) davriy matbuotda Turkistonning ijtimoiy – iqtisodiy va madaniy ahvoli masalalari: tarix fanlari doktori ... diss – Toshkent, –S.224.
26. Karimov N. (2016) Farg’ona jadidlarining sarvari// Vodiynoma, №1. –B.70-74.
27. Kotyukova T. (2000) Vibori vo vtoruyu gosudarstvennyuyu dumu i deyatelnost Turkestanskix deputatov (1906 – 1907 gg.) // O’zbekiston tarixi, №3. – B.40 – 43. (In Russ.).
28. Mahkamova N. (2000) K voprosu ob urovne prosvetshennosti i Kulturnogo razvitiya sredneaziatskix gosudarstv v XX – nachalo XX veka // O’zbekiston tarixi, №1 – 2. – B.13 – 17. (In Russ.).
29. Alimova D. (2005) religioznaya tolerantnost i gumanisticheskie idei nasionalno-progressivnoy intelligentsii Turkestana // O’zbekiston tarixi. №3. – B.12-19. (In Russ.).
30. Tursunmetov A. (2010) Anglo-Amerikanskie issledovateli o musulmanskom reformatorskem dvizhenii v Tsentralnoy Azii v kontse XIX-nachale XX veka // O’zbekiston tarixi, № 4. – B.81-85. (In Russ.).
31. Abdullaev R. (2010) Turkiston jadidlari va XX asr boshlarida musulmon dunyosidagi mafkuraviy jarayonlar // O’zbekiston tarixi, № 2. –B.36-43.
32. Mustafaeva N. (2000) Turkistonda milliy maorif tarixining o’qilmagan sahifalari // O’zbekiston tarixi, №1. – B. 37 – 41
33. Hasanov B. (2000) repressii protiv intelligentsii Uzbekistana v 20 – 30 godi i IX posledstviya // O’zbekiston tarixi, №1 – 2. – B.101 – 109. (In Russ.).
34. Sharipov R. (2002) Turkiston jadidchilik harakati tarixidan. T, “O’qituvchi”, –B. 48.
35. A’zamxo’jaev S. (2000) Turkiston muxtoriyati. Milliy-demokratik davlatchilik qurilishi tajribasi. –T, “Ma’naviyat”, –B.170.
36. Shamsutdinov R. (2017) Turkiston Muxtoriyati harbiy vaziri Ubaidulla Xo’jaevning portretiga chizgilar // Vodiynoma, – B. 28-33.
37. Shamsutdinov R. (2018) Ozarbayjon diyorida Cho’lpon merosini izlab // Vodiynoma, –B.19-22;
38. Nazarov R. (2009) Mahmudov Abidjan Abduxoliq ogli // Islam v Sankt-Peterburge. – Novgorod, – S. 12-16. (In Russ.).
39. Nazarov R. (2016) Uzbekskaya diaspora Rossii: istoriya i sovremennost// Edinstvo, №2. –S.7-13. (In Russ.).
40. Islomov Z. (2020) Mahmudxo’ja Behbudiy milliy mustaqillik bunyodkori. Islom tafakkuri, 2020 yil №3. B. 6-11.